

**2020 ЙИЛ 15 ДЕКАБРДАГИ 6-СОН МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

1.	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ						
	Тўлик:	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” aksiyadorlik jamiyati					
	Қисқартирилган:	“O‘zbekiston MET” АЖ					
	Биржа тикерининг номи:	Йўқ					
2.	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ						
	Жойлашган жойи:	Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Osiyo ko‘ chasi, 42-uy					
	Почта манзили:	Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Osiyo ko‘ chasi, 42-uy					
	Электрон почта манзили:	info@uzbekistonmet.uz (mailto:info@uzbekistonmet.uz)					
	Расмий веб-сайти:	uzbekistonmet.uz (http://uzbekistonmet.uz)					
3.	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ						
	Муҳим фактнинг рақами:	6					
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
	Умумий йиғилиш тури:	Навбатдан ташқари					
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	11.12.2020 й					
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	14.12.2020 й					
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Тошкент шаҳри					
Умумий йиғилиш кворуми:	100,00						
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
		Ёқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖнинг ижро аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш.	100,0	48 922 852 685	0	0	0	0

2.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJning “Savdoenergo” AJдаги улушини баланс қолдиқ қийматида Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш ҳисобига жамият устав капиталини камайтириш.	100,0	48 922 852 685	0	0	0	0
3.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJнинг қўшимча акцияларини чиқариш.	100,0	48 922 852 685	0	0	0	0
4.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJнинг қўшимча акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.	100,0	48 922 852 685	0	0	0	0
№	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:						
1.	<p>1. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJнинг янги таҳрирдаги марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p> <p>2. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ бошқаруви раиси Д.Исакуловга 2020 йил якунига қадар Бошқарув раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари лавозимига хорижий тажрибага эга бўлган раҳбарни тайинлаш бўйича танлов эълон қилинишини таъминласин.</p>						
2.	<p>1. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJга тегишли “Savdoenergo” AJ устав капиталдаги 68,87 фоиз улуш кейинчалик улардан самарали фойдаланиш ва оммавий савдоларда сотиш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлигига баланс (қолдиқ) қийматда ўтказиб берилсин.</p> <p>2. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ ижро органи (Исакулов) жамият устав капиталини ошириш ишлари тугаганидан сўнг жамият устав капиталини “Savdoenergo” AJ устав капиталдаги акциялар пакетининг баланс (қолдиқ) қийматига камайтириш бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қарор қабул қилиш учун Ягона акциядорга тақдим этилиши таъминласин.</p>						
3.	<p>1. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ томонидан умумий қиймати 310 025 841 800,0 (уч юз ўн миллиард йигирма беш миллион саккиз юз қирқ бир минг саккиз юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик қўшимча 3 100 258 418 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг чиқарилиши амалга оширилсин.</p> <p>2. Бирламчи акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин: акциялар ёпиқ обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига жойлаштирилади; акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб акциялар бир йил ичида жойлаштирилади; ушбу чиқарилишдаги акциялар “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади; ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади; акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 октябрдаги 455-ф-сон фармойишига асосан мазкур фармойишнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамиятининг устав капиталдаги давлат улушини ошириш учун берилган активларнинг 310 025 841 756,03 сўмлик баланс (қолдиқ) қийматлари ва олдинги акциялар чиқарилувида 69 сўм 97 тийин қолдиқ ҳисобига амалга оширилади; жамият устав капиталига киритилаётган тафовут ва қўшимча чиқарилаётган</p>						

	акцияларнинг умумий суммаси ўртасидаги 26 сўм миқдоридagi фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади; акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлов сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.
4.	<p>1. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖнинг қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p> <p>2. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раиси Д.А. Исакуловга жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.</p>

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Исакулов Дадажон
Айнакулович

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

Хайдаров Бозор Жумаевич

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахснинг
Ф.И.Ш.:

Раҳманов Ойбек
Давранович